

Президент ёшларнинг касбга интилишини қўллаб-куватлади



Давлатимиз раҳбари Косон туманидаги “Ишга марҳамат” мономарказини бориб кўрди.

Бу ерда техника ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 20 га яқин касб-хунарга ўқитиш йўлга қўйилган. Ўқув ва машғулот хоналари тегишли ускуна, компьютер, муляж ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган.

Энг муҳими, ўқиш, ўрганиш ёши чегараланмаган. Бу ерда барча истовчилар, вақтинча ишсиз кишилар ҳам келиши мумкин. Бундай имониятдан фойдаланиб, аҳоли меҳнат бозорида талафюқори бўлган электрик, сантехник, пайвандчи, ошпаз, қандолатчи, сартарош ва тикувчи каби касбларни ўрганмоқда. Уларга жаҳон стандартлари даражасида кўникма бериш мақсадида Германия, Туркия ва Япония давлатларидан мутахассислар жалб қилинган. Марказ қошида хорижий тилларни ўқитиш ҳам йўлга қўйилган.

Бу ерда нафақат Косон, балки қўшни туманлардаги ишсиз фуқароларга 2 ойдан 6 ойгача бўлган курсларда дарс берилади.

Президентимиз марказда яратилган шароитларни кўздан кечирди, касб ўрганаётган йигит-қизлар билан сухбатлашди.


- Сизларнинг эртанги кунингизга бефарқ бўлмай, касбга интилишингиз мени хурсанд қилди. Бундай марказларни нима учун қилаяпмиз? Илгари ёшлар касб эгаллаши учун Тошкентга ёки бошқа шаҳарларга бораради. Энди ўша шароитларнинг ўзи ёшларнинг олдига келаяпти. Мақсадимиз - аҳолини касб-хунарли қилиш. Яхши ҳунари бор одам ишсиз қолмайди, керак бўлса уйидан олиб кетишади. Шунинг учун бу имониятлардан фойдаланиб, йўлингизни топиб олишингиз керак, - дея таъкидлади давлат раҳбари.



Özbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI



Özbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI



Манба

